

## ТОМОША САНЬАТИДА ҚЎГИРЧОҚ ТЕАТРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Улугбек Раҳмонов

Фарғона давлат университети “Сиртқи бўлим” ижтимоий-гуманитар кафедраси  
ўқитувчиси

Абдусалом Солиев

Фарғона давлат университети “Сиртқи бўлим” ижтимоий-гуманитар кафедраси ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7245240>

**Аннотация.** Ўзбек мусиқа маданиятида бошқа томоша санъати қаторида қўғирчоқ санъати алоҳида ўрин тутади. Бу санъатнинг ривожланиши ҳар бир халқни ижтимоий яшаши тутмуши тарзидан келиб чиққан ҳолда ривожланган. Қўғирчоқ санъати ўзига хос бўлган театрлаштирилган санъат тури бўлиб, бу инсонлар ҳаётида мавжуд бўлган барча ҳодиса ва воқеаларни ҳам ижобий томондан ҳам салбий томондан қўғирчоқлар орқали намойини этилиши ҳақида фикт юритилган.

**Калим сўзлар:** Ошиқ-мошиқ, остона, ён чўп, тирговичлар, анъанавий, қўғирчоқ, глобализация, томоша санъати, инновация, ҷодир ҳаёл, ҷодир жамол.

## РОЛЬ МАРИОНЕТОЧНОГО ТЕАТРА В ИСПОЛНИТЕЛЬСКИХ ИСКУССТВАХ

**Аннотация.** Кукольное искусство занимает особое место среди других исполнительских искусств в музыкальной культуре Узбекистана. Развитие этого искусства основано на социальном образе жизни каждой нации. Кукольное искусство – уникальный вид театрального искусства, и считается, что все события и явления в жизни людей, как положительные, так и отрицательные, показаны через кукол.

**Ключевые слова:** любовник, порог, боковая палка, жерди, традиционное, кукла, глобализация, театральное искусство, новаторство, шатер-мечта, шатер-красота.

## THE ROLE OF THE PUPPET THEATER IN THE PERFORMING ARTS

**Abstract.** Puppetry occupies a special place among other performing arts in the musical culture of Uzbekistan. The development of this art is based on the social way of life of each nation. Puppetry is a unique type of theatrical art, and it is believed that all events and phenomena in people's lives, both positive and negative, are shown through puppets.

**Keywords:** lover, threshold, side stick, poles, traditional, doll, globalization, theatrical art, innovation, dream tent, beauty tent.

## КИРИШ

Жамиятни ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этишида халқ ижодиёти тамоша санъатининг ўрни беқиёсdir. Томоша санъати доимо инсон-ларнинг ижтимоий-маданий тараққиётида ҳаётининг мазмуни бўлиб келган. Ҳозирги глобализация жараёнида томоша санъатига инновацияларнинг тадбиқ этилиши томоша санъатини сифати ва мазмунини оширишга туртки бўлиб хизмат қилимоқда. Ҳар қандай инновацияларни санъатда кўлланиши юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожланишини ўзида акс эттиришда, халқимизнинг турмуш маданиятига муҳим ўрин эгаллаб кириб келган маънавий барқарорликни саҳна асарлари орқали намойиш этишда Халқаро талабларга жавоб берадиган, драматург, рассом, актёр, режиссёр ва сценаристларни ижод қилишларида муҳим восита бўлиб хизмат қиласи ва иш самарадорлигини оширади.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маълумки, ўзбек анъанавий қўғирчоқ ўйини ўтмиш даврларидан бошлаб халқимизнинг севимли маънавий озуқаси бўлиб келган. У томоша-бинларнинг сахна асарлари орқали кўнглини очибгина қолмай, балки ўз даврида ижтимоий-тузум жараёнида юз берадиган ҳодиса ва воқеаларни сахна орқали ҳажв қилиниб, халқнинг ўз эрки ва ҳуқуқи учун олиб борган қурашини акс эттирган. Қўғирчоқ ўйин асосан халқ байрамлари ва маросимлари муно-сабати билан, катта сахна майдонларида, сайилгоҳларда уюштириладиган анъанавий бадиий дастур асосида олиб бориладиган санъат туридир. Қўғирчоқ ўйин қадимий анъанавий санъат намунаси бўлиб, у асрлар давомида халқ оммасининг дунёқарашини ёрқин ва бадиий қиёфасини ифода этиб, халқ манфаатларини ҳимоя қилиб келган.

Мазкур санъатнинг келиб чиқишида аждодларимизнинг айрим мерос-лари ҳамда антик даврда яшнаган халқ актёрларининг баъзи бир хил томоша-лари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Анъанавий ўзбек қўғирчоқ ўйини ўтмишда меҳнаткашларнинг севимли йўлдоши бўлиб келган. У кишиларнинг кўнглини олибгина қолмай, ижтимоий тартиблар ва уларнинг ҳимоячиларини ҳажв қилиш орқали халқнинг ўз эрки ва ҳуқуқи учун олиб борган қурашида муҳим ўрин ўйнади. Халқ қўғирчоқбозлари муҳим ижтимоий ва маданий вазифалар-ни бажарганлар, шу сабабдан ҳам ҳукмрон синфлар, айниқса, руҳонийлар уларни эзиб, жамиятнинг энг пастки табақаси ҳисоблаб, таъқирлаб келганлар.

Биз халқ ижодиётининг бир кўриниши бўлган қўғирчоқ ўйинини илмий томондан таҳлил қиласа, тарих манбаларида эътироф этилишча Ўзбекистон худудида қўғирчоқ ўйини турлари маросимлар билан боғлиқ ҳолда жуда қадим замонларда пайдо бўлиб, эрамизнинг V-VII асрларидаёқ мукаммал санъат сифатида таркиб топиб, қўшни мамлакатларда ҳам ушбу халқ томоша-сининг ривожланишига яхши таъсир кўрсатган. Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олингандан кейин ҳам қўғирчоқ ўйини томоша, мусиқа ва тасвирий санъатлар қатори барқарор яшаб келди. Араблар босинчилари ҳар қандай санъат намуналарини ер билан яксон қиласидилар, ўтга ёқадилар, усталар ва актёрларни тифдан ўтказадилар. Кўпгина санъат аҳли, жумладан, актёрлар ҳам қўшни мамлакатларга ёки баланд тоғ қишлоқларига қочиб кетишга мажбур бўлдилар. IX асрда Ўзбекистон қўғирчоқбозлари маъқулланган маҳсус рисо-лага эга бўлиб, унда ўз санъатлари ва ижтимоий вазифаларини қонунлашти-риб олганлар. Бу рисола қўғирчоқбозларга маълум эркинлик бериши билан бир қаторда уларни маълум қатъий қоидалар исканжасида тутарди. Шундай қоидалардан бири шуки, қўғирчоқ томошасини тайёрлаш ва қўрсатиш жара-ёнида актёрлар сўфиёна байтларни айтишдан ташқари, ўзларини ҳам жисман, ҳам руҳан фалакнинг илоҳий моҳиятини англашга тайёрлашлари лозим бўлган. Шу билан бир қаторда, қўғирчоқбоз ўз дарвешона ҳолати ва бутун томоша йўналиши билан томошабинларга ўша давр муҳитини яъни, одамларни тур-муш маданиятига оид бўлган аниқ (реал) сахналари орқали сингдирганлар.

XI-XII асрларда қўғирчоқ ўйини Ўрта Осиёда интенсив ривожланади. Айниқса, асосий қисми ўтироқ ҳаёт кечирувчи, асосан ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи ўзбек ва тожиклар орасида бу санъатнинг қарийб барча турлари танилган. Мўғуллар истилоси Ўрта Осиё халқларининг бутун ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётига катта зарба бўлиб тушди. Кўпгина олимлар, шоирлар, соз ва томоша аҳли қўшни мамлакатларга кетиб қолади. Аммо қўғирчоқ ўйини, шароит қанча оғри бўлмасин,

яашашда давом этди. XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни Темур ва темурийлар хукм-ронлиги даврида санъатининг барча шакли ва турлари кенг тарақкий йўлига тушиб олади. Айниқса, XV асрда ўзбек бадиий маданияти юксак чўққиларга кўтарилади. Бу даврда тарих майдонига чиққан ва оламга танилган сон-саноқ-сиз олимлар, шоирлар, меъморлар, мусаввирлар, наққошлар, хаттотлар, хонанда, созанда ва бозандалар шундан гувоҳлик беради. XV-XVI асрларнинг бошларида Хуросон ва Мовароуннахрда халқ ижодиёти бошқа санъат турлари қаторида қўғирчоқ ўйини яъни театри яхши тарқкий этган. Дастрлабки босқичларда унинг даструрлари асосан афсонавий-ҳаёлий мазмунлардан иборат бўлган. V-VII асрларда қўғирчоқ театрининг икки тури мавжуд бўлиб, булар “чодир ҳаёл” ва “чодир жамол”дир. Шундан чодир жамол ҳаётий воқеаларни ўзида акс эттириб, босқичма-босқич ижтимоий фош этувчи мазмунга эга бўлиб борган. Бу даврларда қўғирчоқ ясаш ва уни ўйнатишда, шунингдек томоша мазмунига кўра бирбиридан кескин фарқланиб турувчи уч тури мавжуд бўлиб, булар - чодир жамол, чодир ҳаёл ва фонус ҳаёл кенг танилган. Чодир жамолда аниқ ҳаётий воқелик, чодир ҳаёлда мифологик (афсонавий) ва фонус ҳаёлда халқ қаҳрамонлик эпоси акс эттирилган. Агар биз ҳар бир йўналишга алоҳида изоҳ бериб ўтсак, “Чодир ҳаёл” XV аср ва XVI аср бошида афсонавий воқеаларни намойиш этиб келган. Бунинг энг муҳими шундаки, ўша замонда қўғирчоқ ўйининиг ҳар қайси турида томоша маҳора-тини қандай бўлганлиги, қандай воситалардан фойдаланилганлигини аниқ тасаввур этишга имкон беради. Кундузи кўрсатиладиган қўғирчоқ ўйинида (рўз бозӣ) ўйинчи бир жойда ўтирган ёки турган ҳолда ҳолатини ўзгартир-масдан маҳсус чодир - саҳна ичига кириб, ҳар сафар икки қўлига иккитадан қўғирчоқ кийиб, уларни чодир айвонига чиқариб ўйнатган. Чодир ҳаёл қўғирчоқ ўйини чодир жамолга нисбатан анча мураккаб ва мукаммал. Бу хусусият саҳна тузилиши, қўғирчоқларнинг ясалиши, ижро техникаси, мавзуларнинг барчаси саҳналарни ўйғунлашувида яққол кўриниб туради. “Чодир жамол” кўриниши - бу кишиларнинг кундалик ҳаётидан олинган воқеаларни қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар ёрдамида кундузи акс эттирувчи ўзига хос халқ ўйинидар. “Чодир жамол” саҳнаси кўпинча якранг яъни, қизил, сариқ матодан халтасимон қилиб тикилган бўлиб, чодир - деб аталади. Ўйинчи унинг ичига кириб қўйи томонини белига боғлаб олади, юқори томони эса паст-у баланд кесилган бўлиб, ошиқ-мошиқли болорчўп, остона, иккита ён чўп ва тирговичлар ёрдамида чоркунжак саҳна тусини олади. Қўғирчоқбоз ўзи кўринмасдан чуккалаган ёки тик турган ҳолда чодир ичига тикилган чўнтақдан таҳланиб ётган қўғирчоқлардан навбат билан чиқариб ўйнатади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Агар биз ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётга эътибор берган ҳолда қўғричоқ ўйинига мақсад асосида ёндошсак, Фарғона “Қўғирчоқ театр”и томонидан С.Седухиннинг “Мусиқали чойхона”, И.Лукъянованинг “Карвон сарой”, Н.Гернетнинг “Ғоз жўжаси-тулки хийласи”, К.Чуйковскийнинг “Мой додыр”, М.Ашуреванинг “Софлом танда - соғ ақл”, “Мўжиза”, М.Супоннинг “Баджаҳл қуёнча”, В.Орловнинг “Олтин жўжа”, халқ эртаклари асосида И.Джумонов инценировкаси билан “Очил даструрон”, Ш.Мурадовнинг “Самоларда учган аллома” асарларини юртимизда ва хориж мамлакатларида халқ оммасига намойиш этишиб, ўзбек қўғирчоқ театр санъатини ривожлантиришда ўзига хос намуна мактабини ўтაётганлигини эътироф этиш мумкин. Фарғона вилоят Кўғирчоқ театрида ўз санъати билан болажонларнинг назарига тушган ва театрда ўз меҳнат

фаолияти билан ўрнак бўлаётган Ш.Аҳмедов, А.Акраев, Н.Аъзамов, З.Болтабоева, С.Усмонова, Э.Усмонов, П.Тоштемиров, Н.Сабрид-динова, Б.Саминжонов, Ж.Фахриддинов, Ф.Холмирзаева, С.Метинова, Д.Тур-диева каби актёрлардан ўз ижодий изланишларида ўзбек қўғирчоқ театр санъ-атида ёрқин из қолдириб кетган санъат намоёндаларини ижод намуналарини ўз ижодларида тадбиқ этишиб саҳналаштирилган асарларни бадиий-гоявий мазмунини томошабинларга етказишида ва манзур бўлишига алоҳида эътибор беришмоқда. Саҳна асарларини бадиий-гоявий мазмунини мукаммал бўлши-да, ўзбек қўғирчоқ театр анъана ва миллий қадриятларини авайлаб сақлаган ҳолда, жаҳондаги илғор театрлар билан ёнма-ён тарзда ижод қилишга актёр-ларни ундашга театрнинг директори С.Мирзаев, директор ўринбосари Ш.Хакимов, режиссёр ва рассом С.Седухин, рассом Д.Мўминов, реквизитор Д.Хамролиева, либосчи Н.Хайдароваларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

## МУҲОКАМА

Шуни айтиб ўтиш жоизки, театр жамоаси юртимизда бўлиб ўтган Халқаро фестивалларда қатнашиб, жумладан жорий йилда Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган “Адрас байрами”, “Халқаро фольклор мусиқа фестивали”да ва Кўқон шаҳрида ўтказилган “Халқаро хунармандлар фестивали”да қатнашиб ўзларини ижод намуналарини кенг оммага тарғиб қилишди.

## ХУЛОСА

Инсонларни ижтимоий-маданий турмуш тарзидан маълумки, қўғирчоқ ўйин санъати жамият тараққиётида инсонларнинг одоби, тарбияси, хулқи ва маънавий камолот даражасини ўзида мужассам этиб, шу жамиятни ижтимоий мезонларини ривожлантириб муҳлисларга саҳна орқали қўрсатиб келган. Бугунги кунда қўғирчоқ ўйини санъати миллий ва маданий меросимизни, қадриятларимизни қайта тиклашда, уни бойитишида ва юксалтиришда муҳим ижтимоий-маданий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

## REFERENCES

1. Имомов К. Мирзаев Т. Саримсоқов Б. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент. Ўқитувчи. 1990 йил.
2. Жўраев М. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Тошкент. Фан. 2010 йил.
3. У.К. Раҳмонов, А.А.Эргашев. Болажонлар нигоҳи қўғирчоқларда. Театр журнали. 2022 йил.
4. У.К.Раҳмонов, Д.Қ.Сулейманова. Мусиқа тўғаркларини ташкил этиш. Фарғона. 2023 йил.
5. У.Раҳмонов. А.Эргашев. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги. 2021 йил.
6. У.К.Раҳмонов, А.Эргашев, Д.Сулейманова. Болаларнинг мусиқий таълими. Фарғона. 2022 йил.